
Солиқ соҳасида тадбиркорларга айрим энгиликлар эълон қилинди
Солиқ соҳасида тадбиркорларга айрим энгиликлар [ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ](#)

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қўшма ахборотида [маълум қилинишича:](#)

???? 2022 йил 1 апрелдан «E-aktiv» дастуридан мажбурий фойдаланиш тўғрисидаги талаб фақат 4 тоифадаги товарга татбиқ қилинади (цемент, шиша, ёғоч ва пахта).

👉 Дастурни тажрибадаги 4 турдаги товар бўйича қўллаш натижаларидан келиб чиқиб, товарлар рўйхати Давлат солиқ қўмитаси томонидан босқичма-босқич кенгайтирилади. Бунда дастурни барча тоифадаги товарларга жорий этишни 2023 йил IV чорақда якунлаш режалаштирилмоқда.

□ «E-aktiv» дастурий маҳсулотидан фойдаланмаганлик (тажриба товарлари тоифасига киритилган товарлар бундан мустасно) ҳамда ҳақиқатда етказиб берилган товарга (хизматга) мос келмайдиган маҳсулот ва хизмат индентификация кодларини кўрсатгани учун солиқ тўловчиларга нисбатан жавобгарлик чоралари 2022 йил 1 сентябрга қадар қўлланилмайди.

□ Солиқ тўловчиларнинг қуйидаги солиқ хавфи мезонлари (ҳолатлари) қўлланилиши 2023 йил 1 январга қадар тўхтатиб турилади:

- раҳбар шахсининг ёки молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахсининг ЯММТда тасдиқланмаганлиги;
- ўз кўчмас мулки, ижарага олинган ёки текин фойдаланилаётган кўчмас мулки йўқлиги;
- солиқ тўловчининг манзили номинал жойлашган жой манзили билан тўғри келиши (18 квадрат метрдан кам);
- охириги 12 ой ичида солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаслик ҳолатлари мавжудлиги;
- ёлланма ишчилари йўқлиги ёки 4 нафардан камлиги.

???? Ушбу мезонлар йирик солиқ тўловчиларга ва ҚҚС тўловчиси сифатида янги рўйхатдан ўтаётган солиқ тўловчиларга нисбатан тўхтатилмайди.

???? Солиқ кодексига мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб мол-мулк солиғи ҳисобланиши 1 квадрат метр учун мутлақ қийматда белгиланган энг кам қийматни (солиқ солинадиган база сифатида) ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

⇒ Худудий молия ва солиқ органларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашларига камайтирувчи коэффицентларни янада кенгроқ қўллаш юзасидан таклифлар киритиш бўйича тавсиялар берилди.

???? Сув ҳайдаш миноралари, резервуарлар, соябонлар, бетон майдончалар ва деворлар (бордюрлар) ҳамда бошқа шунга ўхшаш объектлар бўйича солиқ базасини 2021 йилдаги тартибга ўхшаш аниқлаш тартиби сақлаб қолинади.

2022-01-27 17:03:42